



## МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

*Неъматова Нигина,*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил изланувчиси*

**Калит сўзлар:** синтактик деривация, мураккаб синтактик қурилмалар, паратактик алоқа, гипотактик МСҚлар, ҳоким гап, тобе гап, семантик тадқиқотлар, тобе алоқа.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тўғри таъкидлаганлари каби : „Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқараши шаклланишида маърифат, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу таълимда тилшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими уларнинг барчаси, инсоннинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга“<sup>44</sup>. Тил сиёсати, она тили мавқеи ва унга муносабатнинг тамоман ўзгариши мустақиллик даврида юз берди. Она тилимизнинг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлиши ватанимиз тарихида том маънодаги воқеа бўлди.

Бугунги кунда эса бу соҳада олдимизга янада муҳимроқ талаблар қўйилмоқда: “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиши лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур. Бу ўринда гап жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда”<sup>45</sup>. Президентимиз яна қайд этганларидек, биз

таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Мустақиллик шарофати билан жаҳондаги миллий тиллардан ҳисобланган ўзбек тили ва уни тадқиқ этувчи ўзбек тилшунослик фани айни пайтда умумтилшуносликда юзага келган янги назариялар асосида равнақ топиб, ўз тараққиётининг йўлига жадал чиқиб бормоқда. Бу ўринда тилшуносликнинг синтактик муаммолари, жумладан, мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) тадқиқи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тилшунослик фанида мураккаб синтактик қурилма (МСҚ) мавзуси азалдан муаммоли бўлиб келмоқда ва бугунги кунда ҳам унинг муаммолари кам деб бўлмайди. Бунинг асосий боиси шундаки, МСҚ фикр ифодаси ва синтактик шаклининг энг юқори ва мураккаб поғоналаридан бирини ташкил этади. Тилнинг конкрет қўлланилиши учун сўзларнинг бир-бири билан муносабати ва бу муносабатнинг конкрет равишда амалга оширилиши учун эса синтактик қурилманинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳозирги тилшунослик фанида янги назария - синтактик деривация назарияси кашф этилди. Бу назария ўз моҳиятига кўра тилнинг ҳосила, яъни иккиламчи структураларини тадқиқ этиш ва натижада унинг нутқда қўлланилиши қонун-қоидаларини ўрганиш ва таҳдил этиш учун хизмат қилади<sup>46</sup>.

<sup>44</sup> Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 33-бет.

<sup>45</sup> Мирзиёев Ш.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза,2017,14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.45-47-бетлар.

<sup>46</sup> Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцелятив ва илова қурилмаларнинг синтактик деривацияси.



Синтактик деривация назариясининг кашф этилишига лексик деривация асос бўлди. Чунки тилшунослик фанида сўз ясаши муаммосини ўрганишда лексик деривация назариясидан азалдан фойдаланиб келинган. Синтактик деривация назарияси 30-йилларда кашф этилган бўлишига қарамасдан, рус тилшунослигига ва у орқали ўзбек тилшунослигига 60 йилларда кириб келди. Хусусан, 1962 йилда поляк тилшуноси Ежи Куриловичнинг “Лексик деривация ва синтактик деривация” номли мақоласи рус тилида нашр этилгандан сўнг, бу соҳада рус тилшунослигида ҳам бирмунча ишлар қилинди<sup>47</sup>.

Рус тилшунослигида И.П.Распопов, С.Н.Сичева, Л.Н.Мурзин кабиларнинг илмий тадқиқотларида ҳам “синтактик деривация” тушунчаси Е.Курилович таълимоти асосида ёритилди.

Синтактик деривация назариясининг ўзига хос услуб билан ёритилишини С.Д.Кацнельсонда кўришимиз мумкин. Унинг таълимотида синтактик деривация лексик деривациянинг замирида яратилиши қайд этилади ва қуйидагича таърифланади: “Агар деривация тил структурасининг бошқа сатҳларида тил элементларининг парадигматик қаторга қай тарзда ўринлашишини тақозо қилса, синтаксисда эса синтагматик механизм тарзида келиб, лисоний элементларнинг синтагматик қатордаги шаклланишини англатади”<sup>48</sup>.

Юқоридагилардан ташқари шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, синтактик деривация муаммоси соҳасида бугунги кунга келиб, ўзбек тилшунослигида ҳам салмоқли илмий тадқиқот ишлари юзага келди. Н.Қ.Турниёзовнинг бу борада қилган қатор илмий ишлари бунга мисол бўла олади<sup>49</sup>.

Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1997. 8-бет.

<sup>47</sup> Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. - М., 1962.

<sup>48</sup> Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. - Л., 1986. - С. 131.

<sup>49</sup> Турниязов Н.Қ. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке

Н.Қ.Турниёзов синтактик деривация назариясига юксак баҳо берганлигини кўрамиз: “...шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳар бир ҳосила синтагматик қаторда шаклланиши билан бирга, ўзида парадигматик ва синтагматик қаторларнинг кесишиши нуктасини ҳам тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, синтактик деривация тил материалларининг нутқда қўлланилиши билан узвий алоқадор эканлигини яна бир марта намойиш этади”<sup>50</sup>.

МСҚлар синтаксисини, шунингдек, МСҚларни ўрганиш хитой тили грамматикаси билан шуғулланувчи тилшунослар учун бугунги кунга келиб долзарб масалага айланмоқда. Таъкидлаш лозимки, хитой тилида МСҚларни ўрганиш билан бир қатор таниқли хитой олимлари шуғулланишган. Булардан Ван Ляои, Лю Шусян, Ю Янг Чун, Син Фу Нан, Син Фу И, Хи Ар Ши, Янг Баи Тюн, шунингдек рус хитойшунос олимлари В.И.Горелов, А.А.Драгунов, Е.Н.Драгунова, Т.П.Задоев, А.Ф.Котова, Е.И.Шутоваларнинг аксарият тадқиқот ишлари айнан ана шу масаланинг ечимига бағишланган. Хитой тилида МСҚларнинг бу босқичдаги тадқиқотлари натижаси сифатида МСҚлар таснифига тегишли умумқабул қилинган тугал фикр ҳозирги кунга қадар шаклланмаган. Чунки бу, синтаксис хитой тили грамматикасининг бошқа бўлимларига нисбатан хитойшунос олимлар эътиборини анча кечроқ тортгани билан боғлиқ. Хитой лингвистик анъаналари характерига мувофиқ узок давр давомида иероглифика, фонетика ва лексикологияларгагина эътибор қаратилган. Фақатгина XIX аср охирига келиб грамматика олимлар диққатини тортди. Аммо, изланишлар морфология ва содда гаплар доирасидагина амалга оширилди. XX асрнинг 40 йилларига келибгина атоқли тилшунос олим Лю

//Автореф. докт. дис. - М., 1985; Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке. - Ташкент, 1985 ва бошқалар.

<sup>50</sup> Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. - Самарқанд, 1990, 55-б.



Шусян ўзининг “Очерк грамматики китайского языка” (Хитой тили грамматикаси очерклари) номли асарида биринчи марта хитой тилида синтактик курилишнинг ўзига хослигини, сўз бирикмаси ва гапларда синтактик алоқа турларини тадқиқ қилган<sup>51</sup>. Айнан шу даврга келиб Ван Лининг “中国现代语法” номли асари чоп этилади. Унда олим сўз ва сўз бирикмаси атамаларини бир-бирдан фарқлаш муаммоларини ечишга, синтактик курилмалар структураси ва турларини ўрганишга эътибор қаратган. Шундан бошлаб бу мавзуга яқин илмий ишлар юзага кела бошлади. Хитой тили синтаксисининг функционал, структур ва семантик жиҳатлари таҳлилига бағишланган тадқиқотлар шулар жумласига киради. Аммо, уларда ҳам тадқиқот объекти сифатида сўзлашув нутқи ва монопредикатив жумлаларни ўрганган синтактик курилмалар берилган. Шунини ҳам қайд этиш мумкинки, хитой олимлари томонидан хитой тили синтаксиси муаммоларини ўрганишда системали ёндашувнинг мавжуд эмаслиги яққол сезилади. Муаммоларнинг катта қатлами юзаки ўрганилган ёки умуман эътибордан четда қолган. Бу МСҚлар синтаксисига ҳам боғлиқ. Хитой тилшунослигида айнан МСҚларга бағишланган тадқиқотлар мавжуд бўлмаган, чунки МСҚлар алоҳида синтактик бирлик сифатида ажратилмаган. Хитой тили назариясини ўрганишда россиялик хитойшунос олимлар катта хисса қўшишган. Лекин уларнинг ҳам диққат марказида асосан морфология, лексикология, диалектология, хитой тили ривожланиш тарихига оид масалалар бўлган. Аммо билан синтаксисга умуман қўл урилмади дея олмаймиз. Қайд этилганлар билан бирга синтаксисга бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Бу ишлар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, В.И.Горелов (“Грамматика китайского

языка”, “Теоретическая грамматика китайского языка”) ва Е.И.Шутова (“Синтаксис современного китайского языка”) ларнинг ишларини айтиб ўтиш лозим. Шундай қилиб, МСҚлар ҳозирги хитой тили синтаксисининг энг қийин ва энг кам ўрганилган қатламларидан бири дейишимиз мумкин. МСҚлар хитой тилида алоҳида синтактик соҳа сифатида ўрганилмаганлиги учун уларнинг структураси, семантикаси, типологияси, турли бадий жанрлар ва нутқ услубларидаги стилистик функциялари ҳақида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Жаҳон тилшунослигида МСҚ талқинига бағишланган илмий монографик тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, бу соҳада ҳали ечилмаган жумбоқлар анчагина. Улар жумласига МСҚ таркибий қисмларининг номланиши, уларнинг туб структурага муносабати, пропозитив структураси таркибий қисмларининг ўзаро боғланишини таъминловчи грамматик ва экстралингвистик омилларнинг функционал салмоғини аниқлаш ва умуман МСҚ бирликларининг қўлланиши билан боғлиқ кўплаб мунозарали масалаларни киритиш мумкин.

МСҚ ни ташкил этган содда гаплар унга хос семантик, грамматик интонацион хусусиятларга эга: ана шу хусусиятлари билан улар мустақил қўлланувчи содда гаплардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай содда гапларни бириктириб МСҚ ҳосил қилиш мумкин эмас. МСҚ таркибидаги содда гаплар икки хил алоқага киришиши мумкин:

1. Тенг алоқа
2. Тобе алоқа.

Грамматик жиҳатдан тенг алоқага киришувчи гаплар боғланган, яъни паратактик МСҚларни ташкил этади. Бири иккинчисига тобе бўлган гаплар эса гипотактик МСҚ ни ҳосил қилади. Тенг алоқада МСҚ қисмлари мазмунан нисбий мустақилликка ва синтактик жиҳатдан тенгликка эга бўлади. Гипотактик МСҚларда қўлланаётган гапларнинг бири иккинчисига мазмунан ва синтактик

<sup>51</sup> Люй Шусян. Очерк грамматики китайского языка/ Люй Шусян. – В 2-х тт. – Т.1: Слово и предложение. – М.: Восточная литература, 1961. 266 с.



жихатдан ҳам тобе бўлади. Уларнинг бири иккинчисини изоҳлайди ва тўлдиради.

Профессор Р.Сайфуллаева таъкидлаганидек, МСҚ нинг энг нозик, кўз илғамас томонларини бундан ўттиз йилча олдин Ғ.Абдурахмонов ўз асарларида айтиб ўтганлар. Шунингдек, бу масаланинг ҳар хил томонлари, асосан, уларнинг семантик хусусиятлари М. Асқарова, Ф.С.Убайева, К.Назаров, С.Равшанова каби олимларимиз асарларида таҳлил этилган. Ўзбек тилшунослигида эргаш гапларнинг таснифи умуман бошқа тиллардаги эргаш гаплар таснифига яқин туради. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки эргаш гап назарияси қарийб барча тилларда узвий боғланган.

Эргаш гапли МСҚ лар синтактик шаклланишига кўра боғланган МСҚ лардан тубдан фарқ қилади. Чунки улар бош гапнинг ягона туб структурасига асосланади. Бу хилдаги МСҚ лар таркибий қисмларининг семантик ва синтактик муносабатлари ҳам тенглик асосига қурилмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг бири ҳоким гап деб, иккинчиси эса тобе гап деб аталади. Тобе гап бош гапга тузилишига ва мазмунига кўра ҳам тобе бўлади. Масалан,

你既然一定要走, 我就不留你了<sup>52</sup>.

(Модомики, сен аниқ кетадиган бўлсанг, унда мен сени олиб қололмайман).

Келтирилган мисолда МСҚ нинг иккинчи қисми синтактик шакли ва семантик мавқеига кўра ҳоким гап эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шунинг учун МСҚ нинг умумий синтактик шакли ана шу ҳоким гапнинг талабига биноан, унга замон нуқтаи назаридан қўшимча изоҳ бериш учун юзага келмоқда.

Демак, тобе гапнинг ўз туб структураси бор бўлса-да, МСҚ умумий синтактик структурасининг шаклланишида бундай туб структура етакчи омил бўла олмайди. Унинг синтактик шаклланиши

бош гапнинг талабига кўра юзага чиқади. Бошқача айтганда, тобе гап ўзи учун эмас, бош гап учун шаклланади.

Гипотактик МСҚ лар таркибий қисмларининг ўзаро синтактик муносабати турли грамматик воситалар таъсирида юзага келади. Бу воситалар жумласига боғловчи сўзлар, нисбий олмошлар, шарт феълларининг шакли ва бошқа айрим грамматик элементлар киради.

Тобе гаплар таркибида бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг мавжуд бўлиши, ёйиқ, йиғиқ бўлиши ва бошқа хусусиятлари билан МСҚ таркибига қирмаган содда гаплардан кам фарқланади.

Синтактик тадқиқот усулининг вужудга келиши эса шу вақтга қадар бўлган тадқиқот масалалари орқали пайқаш мумкин бўлмаган яширин ички ҳамда номоддий ҳодиса сифатида англанадиган, тасаввур этиладиган маъно узвларини объектив ёритишга катта ёрдам бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, бугунги тилшунослигимиз олдига тадқиқ этилиши лозим бўлган кўпгина масалаларни қўймоқда.

<sup>52</sup>外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社。2007年, 636页。



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Миллий истиклол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир \ «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 33-бет.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017, 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.45-47-бетлар.
3. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016, 7 декабрь-Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 22-бет.
4. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. -Л., 1986. -С. 131.
5. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая//Очерки по лингвистике. -М.,1962.
6. Люй Шусян. Очерк грамматики китайского языка/ Люй Шусян. – В 2-х тт. – Т.1: Слово и предложение. – М.: Восточная литература, 1961. 266 с.
7. Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке //Автореф. докт. дис. - М.,1985;
8. Турниязов Н.К. Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке. - Ташкент, 1985 ва бошқалар.
9. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. -Самарқанд, 1990, 55-б.
10. Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцелятив ва илова қурилмаларнинг синтактик деривацияси. Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1997. 8-бет.
11. 外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社。2007年, 636页。

*Неъматова Н. Некоторые суждения о сложно-синтаксических целых. В статье рассмотрены проблемы сложно-синтаксических целых и взгляды лингвистов на них. Наряду с этим, были приведены и собственные соображения по этому поводу.*

*Nematova N. Some considerations concerning complex syntactic constructions. The article considers the problems of complex syntactic integers and the views of linguists on them. Along with this, our own opinions on this issue were also given.*